

## Тошкент шаҳрида маданият ва санъат муассасалари фаолияти

2024 йил учун


- I. Фаолият юритаётган музейлар
- II. Фаолият юритаётган театрлар
- III. Концерт ташкилотлари ва цирк
- IV. Ботаника ва ҳайвонот боғлари
- V. Маданият ва истироҳат боғлари
- VI. Кутубхона муассасалари
- VII. Маданият ва санъат муассасалари бўйича услубий тушунтиришлар

### I. Фаолият юритаётган музейлар

Тошкент шаҳрида 2024 йилда фаолият юритаётган музейлар сони **35 тани** ташкил этади, булардан 2 таси музей филиали ҳисобланади.

2024 йилда музейларга ташриф буюрувчиларнинг жами сони **1 751,5** минг кишини ташкил этди. Ташриф буюрувчилар таркибида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳамда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабаларининг улуши **31 %** ни ташкил этган.

#### Фаолият юритаётган музейлар сони\*




#### Музейлардаги асосий фонд экспонатлари сони

Тошкент шаҳри музейларида турли хилдаги буюмлар ва экспонатлар сақланмокда, 2024 йилда музейлардаги жами асосий фонд экспонатлари сони **1 255,9** мингтани ташкил этади.

\* Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги маълумотлари.

Музей экспонатларининг **10,6** мингтаси рассомлик, **23,9** мингтаси графика, **1,8** мингтаси ҳайкалтарошлик, **29,3** мингтаси амалий санъат, **116,6** мингтаси нумизматика, **97,1** мингтаси археология, **21,4** мингтаси маиший ва этнография, **87,2** мингтаси суратлар, **116,5** мингтаси ҳужжатлар ва **751,1** мингтаси бошқа экспонатлардан иборат.

### Музейлардаги асосий фонд экспонатларнинг турлари бўйича сони (минг бирликда)



## II. Фаолият юритаётган театрлар

2024 йилда Тошкент шаҳрида жами театрлар сони **18** тани ташкил этиб, уларда намоиш этилган спектакллар (томошалар) сони **3 133** тага етган. Ушбу спектаклларга **936,4** минг нафар томошабинлар ташриф буюрган.


### Фаолият юритаётган театрлар сони




Тошкент шаҳрида 2024 йилда жами фаолият кўрсатаётган концерт ташкилотлари сони **52** та улардан **5** та филармония ва **31** та гастрол концерт бирлашма ва **1** та мустақил жамоалар концерт заллари, санъат саройлари **15** тани ташкил этади.

**Фаолият юритаётган концерт ташкилотлари  
ҳамда ўтказилган концертлар сони (бирликда)**

**Концерт ташкилотлари сони**



**Концертлар сони**




Тошкент шаҳрида “Ўзбек давлат цирки” давлат муассасаси ўз фаолиятини олиб бормоқда. 2024 йилда циркда **551** та томоша тадбирлари бўлиб ўтган. Томоша тадбирларига ташриф буюрган томошабинлар сони эса **157,3** минг кишини ташкил этган.

**IV. Ботаника ва ҳайвонот боғлари**

Тошкент шаҳрида жами **1** та ҳайвонот боғлари мавжуд бўлиб, 2024 йилда ҳайвонот боғига **965,2** минг нафар ташрифлар амалга оширилган.

Республикада Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида ботаника боғлари мавжуд. 2024 йилда ботаника боғларига жами **310,2** минг киши (шундан **310** минг киши Тошкент шаҳрига, **0,2** минг киши Қорақалпоғистон Республикасига) ташриф буюрган.

**Ҳайвонот боғларига ташрифлар сони, (минг киши)**



## V. Маданият ва истироҳат боғлари

Тошкент шаҳрида 2024 йилда **29** та маданият ва истироҳат боғлари мавжуд бўлган. Тошкент шаҳар миқёсида маданият ва истироҳат боғларининг умумий майдони **294,4** гектарни ташкил қилиб, ушбу боғларга 2024 йил давомида **15 869,7** минг киши ташриф буюрган, шундан **7 733,8** минг нафари болалар. Шунингдек, мазкур боғларда **340** та аттракционлар мавжуд.

### Фаолият юритаётган маданият ва истироҳат боғлари сони (2024 йил учун)

|               | Маданият ва<br>истироҳат<br>боғлари сони,<br>жами<br>(бирликда) | Аттракционлар<br>сони<br>(бирликда) | Жами<br>ташриф<br>буюрувчилар<br>сони<br>(минг киши) |
|---------------|-----------------------------------------------------------------|-------------------------------------|------------------------------------------------------|
| Тошкент ш.    | 29                                                              | 340                                 | 15 869,7                                             |
| туманлар:     |                                                                 |                                     |                                                      |
| Бектемир      | 1                                                               | 20                                  | 1,0                                                  |
| Мирзо улуғбек | 3                                                               | 58                                  | 2 629,5                                              |
| Миробод       | 1                                                               | 5                                   | 1,0                                                  |
| Олмазор       | 5                                                               | 70                                  | 798,4                                                |
| Сергели       | 1                                                               | 27                                  | 213,6                                                |
| Учтепа        | -                                                               | -                                   | -                                                    |
| Чилонзор      | 5                                                               | 56                                  | 3 618,6                                              |
| Шайхонтохур   | 3                                                               | 17                                  | 2 060,8                                              |
| Юнусобод      | 5                                                               | 3                                   | 3 292,5                                              |
| Яккасарой     | 1                                                               | 20                                  | 20,0                                                 |
| Янгиҳаёт      | 1                                                               | 8                                   | 15,0                                                 |
| Яшнобод       | 3                                                               | 56                                  | 3 219,0                                              |

#### Мавзуга доир кўрсаткичлар:

Фаолият юритаётган ботаника ва ҳайвонот боғлари сони.

Фаолият юритаётган маданият ва истироҳат боғлари сони.

## VI. Кутубхона муассасалари сони\*

Тошкент шаҳрида 2024 йилда **701** та кутубхона муассасалари фаолият юритмоқда. Мазкур кутубхоналарда **23 138,6** минг нусха китоб ва журналлар мавжуд бўлиб, ушбу китоб ва журналлардан фойдаланувчилар сони **1 175,6** минг кишини ташкил этди.

## Фаолият юритаётган кутубхона муассасалари сони (2024 йил учун)

|                   | Кутубхоналар<br>сони, жами<br>(бирликда) | Китоб ва<br>журналлар<br>сони<br>(минг нусхада) | Фойдаланувчилар<br>сони<br>(минг киши) |
|-------------------|------------------------------------------|-------------------------------------------------|----------------------------------------|
| <b>Тошкент ш.</b> | <b>701</b>                               | <b>23 138,6</b>                                 | <b>1 175,6</b>                         |
| <i>туманлар:</i>  |                                          |                                                 |                                        |
| Бектемир          | -                                        | -                                               | -                                      |
| Мирзо улуғбек     | -                                        | -                                               | -                                      |
| Миробод           | -                                        | -                                               | -                                      |
| Олмазор           | -                                        | -                                               | -                                      |
| Сергели           | -                                        | -                                               | -                                      |
| Учтепа            | -                                        | -                                               | -                                      |
| Чилонзор          | -                                        | -                                               | -                                      |
| Шайхонтохур       | -                                        | -                                               | -                                      |
| Юнусобод          | -                                        | -                                               | -                                      |
| Яккасарой         | -                                        | -                                               | -                                      |
| Янгиҳаёт          | -                                        | -                                               | -                                      |
| Яшнобод           | -                                        | -                                               | -                                      |

\* Тошкент шаҳри Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги маълумотларига қўра кутубхона муассасалари сонига мамлакат ҳудудидаги барча умумий ўрта таълим мактаблари кутубхоналари, олий таълим муассасалари кутубхоналари, маҳаллий ҳокимият органларига қарашли ахборот-ресурс марказлари, шунингдек, вазирлик ва идораларга қарашли барча ахборот-кутубхона марказлари киради.

Изоҳ: Тошкент шаҳри Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Тошкент шаҳри Президентининг 2025 йил 14 июлдаги “Давлат бошқаруви тизимида самарадорлик, проактивлик ва натижадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-111-сон қарори билан тугатилган.

### Мавзуга доир кўрсаткичлар:

Фаолият юритаётган кутубхона муассасалари сони.

Кутубхонада мавжуд китоб ва журналлар сони.

Кутубхона фойдаланувчилари сони.

## VII. Маданият ва санъат муассасалари бўйича услубий тушунтиришлар

**Маданият** — инсон фаолияти ва шу фаолиятнинг аҳамиятини белгиловчи рамзий қурилмалар ва асарлар мажмуидир. Маданият мусиқа, адабиёт, санъат, меъморчилик, театр, кино ва турмуш тарзи каби фаолиятларда намоён бўлиши мумкин.

**Маданий мерос бу** — халқнинг ёки жамоанинг моддий ва номоддий меросидир, уни сақлаб қолиш ва кейинги авлодларга етказиш учун васият қилинган. Бунга эътиқодлар, билимлар, бадиий ифодалар, меъёрлар ва қадриятлар, ижтимоий амалиётлар, урф-одатлар, жойлар, объектлар ва маданиятнинг ҳар қандай бошқа ифодалари киради.

**Маданий мерос объектлари** — моддий ва номоддий маданий мерос объектлари.

**концерт ташкилоти** — концерт фаолиятини ташкил этиш билан шуғулланувчи (филармония, гастрол-концерт, концерт зали) ёки мустақил жамоани (муסיкий, хор, ракс ва бошқалар) ташкил этиш билан шуғулланадиган маданият ташкилоти;

**цирк** — бу цирк томошалари намойиш этиладиган арена (манеж)га эга бўлган бино бўлиб, вақти-вақти билан ўзгариб турадиган цирк артистлари жамоасидан иборат бўлган кўнгилочар ташкилот;

**музей** — музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш, ўрганиш ҳамда оммага намойиш этиш учун мулкдор томонидан ташкил этилган доимий фаолият юритувчи нотижорат маданият муассасаси;

**музей фонди** — музейда сақланаётган музей ашёлари ва музей коллекциялари мажмуи;

**кинотеатрлар** — бу бошқа мақсадларда фойдаланилмайдиган стационар киноқурилмалар билан жиҳозланган махсус бино;

**фойдаланувчилар сони** - обуначилар ёки китобхонлар сони бўйича амалга оширилади. Йил давомида китоб олган китобхонларнинг умумий сони йил охиридаги обуначилар тартиб рақами билан белгиланади;

### Фойдали ҳаволалар:

[Маданият статистикаси бўйича услубий Низом](#)

["Ривожланиш учун маданият" Юнеско индикаторлари](#)

[Маданият статистикаси тизими ЮНЕСКО 2009](#)

Тайёрлаш учун масъул:  
Ижтимоий соҳа статистикаси  
бошқармаси

Манзил: 100000, Тошкент ш., Амир  
Темур кўчаси, 11 Эл. манзил:  
@toshstat.uz Тел.: 71-203-88-27

